



المملكة العربية السعودية
وزارة التعليم
جامعة الإمام محمد بن سعود الإسلامية
عمادة البحث العلمي
رسائل (ارشادية) (١)



САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОХЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БАЗИРЛИГИ
АЛ-ИМОМ МУХАММАД ИБН САУД НОМИДАГИ
ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ



Илмий тадқиқотлар
деканати

بيان مايفعله الحاج والمعتمر

تأليف

د. صالح بن فوزان بن عبدالله الفوزان

عضو هيئة كبار العلماء

ترجمة إلى اللغة الأوزبكية

د. شاه رسمع شاه موساروف

٢٠١٨هـ / ١٤٣٩م

ҲОЖИЛАР ВА УМРАЧИЛАР
УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Муаллиф

Доктор Солиҳ ал-Фавзан

1439 H - 2018 AD



يوزع مجاناً ولا يباع

طبع بطباعة المائدة

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛ-ИМОМ МУХАММАД ИБН САУД НОМИДАГИ
ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ


Илмий тадқиқотлар
деканати



**ҲОЖИЛАР ВА УМРАЧИЛАР
УЧУН ҚҰЛЛАНМА**

Муаллиф:
Доктор Салих ал-Фавзан

1440 х – 2019 йил



government departments to serve the pilgrims and guide them to perform Hajj properly and authentically.

From that perspective, the university continues to publish this multilingual book, which is authored by H.E. Sheikh/ Saleh bin Fouzan AlFouzan, member of the Grand Scholars Board, and the Permanent Committee for Research and Fatwa. It also cooperates with the Ministry of Culture and Information to timely distribute it to pilgrims.

As it introduces this book, the university thanks the author for consenting its annual publication at no charge for the reward from Allah, Almighty. It also thanks the contributors in distribution to readers including the Ministry of Islamic Affairs, Endowments, Dawah, and Guidance and the different organizations serving during Hajj in the Holy Shrines. Thanks are also extended to the Custodian of the Two Holy

Mosques' embassies around the Islamic world.

We ask Allah Almighty to guide the pilgrims to perform Hajj on the proper way and reward the government of the Custodian of the Two Holy Mosques, King Abdullah bin Abdulaziz, and HRH the Crown Prince for the tremendous efforts it puts forth to serve Allah's guests, the pilgrims, and giving every possible help that allows them to perform Hajj easily and simply.

We ask Allah Almighty to help us devote our intents to Him and guide our missions and actions.

University President

Introduction

Praise be to Allah, the Cherisher and Sustainer of the worlds, and Peace and Blessings be upon His messenger and prophet, Mohammed bin Abdullah, and his kin and companions.

Allah Almighty says, " In it (Kaabah) are Signs Manifest; the Station of Abraham; whoever enters it attains security; Pilgrimage thereto is a duty men owe to Allah,- those who can afford the journey; but if any deny faith, Allah stands not in need of any of His creatures." [Quraan, 3:97] The Prophet says, "Practice your pilgrimage in accordance with my example".

Based on its mission and goals, Imam Mohammed bin Saud Islamic University (IMAMU) gives tremendous attention to scientific and Islamic studies to serve the society within its academic scope. IMAMU also collaborates with the different

*Мехрибон ба разноми Алиоҳ
иёни билан*

﴿الْحَجَّ أَشْهَرٌ مَعْلُومٌ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفِثَ
وَلَا فُسُوقٌ وَلَا حِدَالٌ فِي الْحَجَّ وَمَا تَعْلَمُوا مِنْ حَتَّىٰ
يَعْلَمَهُ اللَّهُ وَمَا رَأَوْدُوا فَإِنَّهُ خَيْرُ الرَّادِينَ النَّقَوَىٰ وَأَنَّهُنَّ
يَسْأَلُونِي أَلَا أَنْبِئُكُمْ ﴾ . سَعْلَةُ النَّبَلَةِ

Мухтарам ҳожи!

Ҳажингиз, умрангиз ва қилаёттан жамики амалларнегиз Аллоҳ учун ҳолис ниятда бўлиши учун интилингиз! Шунингдек, қилаёттан ҳаж ва умра амалларингиз пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатлари бўйича адo этилишига интилингиз!

Юқорида айтилган икки шарт бажарилмаса, яъни ҳолис ният ва суннатта мувофиқ бўлмаса, бу амалларингиз қабул бўлмайди. Агар қилаёттан ишларингиз бу шартларга мувофиқ бўлса, унда ҳаж ва умрани бошлишдан аввал, ушбу кўрсатмаларни ўқиб чиқиши маслаҳат берамиз. Аллоҳ бу кўрсатмаларни Сизга фойдали қилсин!

Шунингдек, ҳаж ва умрада ишлатаёттан пулингиз ҳалол йўл билан топилган бўлишига интилингиз, чунки муқаддас ҳадисларда айтилишича, ноҳалол йўл билан топилган маблагдан қилинган ҳаж қабул бўлмайди.

йўқ, билъакс, булар сафарда халақит беради.

2. Бадандаги буткул кир ва тердан ҳалос бўлиш учун чўмилинади. Бу иш тўсилган парда орқасида қилинади. Агар бундай ювинишнинг имкони бўлмаса, бу шартнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланмайди.

3. Эркаклар устларидан жамики тикилган ва тўқилган кийимларни (шу жумладан, ички кийимларини ва пайпоқларини) ечадилар. Устларига иҳром — янги ёки тоза оқ газламадан иборат икки бўлак мато ташлайдилар. Биринчи бўлак (изор) бўйинга ва елкага ташланади, иккинчи бўлак (ридо) қоринга боғланади. Пойабзal пошнасиз бўлади ва пайпоқсиз кийилади.

Аёллар эса юzlаридаги никоб ёки чачвонни ечиб, унинг ўrniga номаҳрам эркаклардан юзини тушиб учун бошларига румол ташлаб олсалар кифоя. Аёллар бошларига салласифат баланд нарсалар қўйиб олсалар, румол

юзни ёпмай қолади, бу эса суннат змас. Шунингдек, юзни тусиши учун зийнатли буюмлардан фойдаланиш ҳам мумкин змас. Иҳромга киришда аёллар қўлларидағи қўлқопларини ҳам ечиб қўйишлари лозим.

Аёллар иҳроми учун маҳсус ранг тайинланган змас, баъзи авом эса аёллар иҳроми албатта яшил ранг бўлиши керак, деб ўйладилар. Шунингдек, иҳром оқ ранг бўлиши ҳам шарт змас, чунки иҳром ранги бўйича эркаклар иҳроми рангига ухшаб қолади.

4. Чўмилиб бўлгандан кейин, баданга ҳушбуй атиrlардан суриш мумкин, лекин атири иҳромга тегмаслиги керак. Аёллар ҳам атрофдагиларнинг эътиборини қаттиқ жалб этмадиган атиrlардан фойдаланишлари мумкин.

чилар, ҳаж ва умра иҳромига ўз уйларида кирадилар. Маккан мукарра – мада яшовчилар эса умра иҳромига кириш учун ал – Ҳал номли жойга чиқадилар, ҳаж иҳромига эса Макка – нинг ўзида кирадилар. Шунингдек, юқоридаги мийқотлардан ҳаж ва умрани ихтиёр этмай ўтилган бўлса – ю, лекин кейин муборак амалларни бажаришни ният этилса, шу ният билдирилган жойда иҳромга кирадилар ва Маккан мукаррамага фақат иҳром ҳолатида кириб борадилар.

2. Ҳаж иҳромига кириш вақти.

Бу Аллоҳ Таоло зикр этган муборак ойлардир.

"Ал – Ҳаж ашҳарум – маълумот" (ал – Баҳара сураси, 197 – оят.) – "Ҳаж мавсуми маълум ойлардир."

Бу – шаввол, зу – л – қаъда ой – лари ва зу – л – ҳижжа ойининг ўн кунидир. Агар иҳромга шу ойлардан

олдин кирилган бўлса, жамоат олдида иҳроми тўғри, деб ҳисобланмайди.

Иҳромга кириб, зу—л—ҳижжа ойининг ўнинчи кечасида тонг отгунча Арафотда турилса, ҳаж амаллари тўғри бажарилган ҳисобланади. Умра амал—ларини бажариш учун иҳромга ҳоҳлагн пайтда кириш мумкин.

3. Иҳромга киришдан олдин бажариладиган амаллар

Агар Сиз иҳромга киришни ният қилган бўлсангиз, унга тайёргарликни яхшилаш мақсадида, иҳромгача, қуидагилар қилинади:

1. Тирноқлар олиниши, мўйлов текисланиши, қўлтиқ ости ва оврат атрофи мўйлари тозаланиши учун зарур бўлган нарсалар олинади. Агар сиз бу ишларни уйда қилган бўлсангиз ва унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса, бу нарсалар олишга ҳеч қандай эҳтиёж

Бу қүйидаги жойлар:

1. Зу-л-Халифа — ҳозир
"Абайор Али" деб аталади.

Мадина ахли ва шу томондан қуруқлик, сув ёки ҳаво йўли орқали келувчилар учун мийқот ҳисобланади.

2. Ал-Жаҳфа — сув бўйидаги Робиғ шаҳарчасига яқин — Мағриб, Шом, Миср ва шу томондан қуруқлик, сув ва ҳаво йўли орқали келувчилар мийқотидир.

3. Яламлам — ҳозир "ас-Саъдия" деб номланади. Яман ахли ва шу йўлдан келувчилар мийқотидир.

4. Қарн ал-Манозил — „ас-Сейл“ деб ҳам номланади. Нажд ахли ва шу томондан қуруқлик ва ҳаво йўли орқали келувчилар учун мийқотдир.

5. Зот — Ирқ — Ироқ ахли ва шу томондан қуруқлик ва ҳаво йўли орқали келувчилар учун мийқотдир.

6. Юқорида номлари зикр этилган мийқотлар орқали ўтилмаса ёки Маккаи мукаррама атрофида яшов —

1. ИҲРОМ

Билингки, ҳаж ва умранинг энг биринчи амали – иҳромдир. Сиз қуийдагиларни билмоғингиз лозим:

- Иҳромга кириш жойи ва вақти.
- Иҳромга киришдан олдин қилинадиган ишлар.
- Иҳром маъноси.
- Иҳром ҳолатидаги кишига манъ этилган амаллар.
- Иҳромга киришда ва ундан кейин айтиладиган дуолар.

Иҳромга кириш жойи

Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) ҳаж ва умра ниятида келғанлар иҳромга кирадиган жойларни тайин этғанлар, чунки ҳожи ва умрачилар Маккан мұкараммага фақат иҳром ҳолатида киришлари шарт.

4. Иҳром маъноси

Юқорида айтиб ўтилган тайёр—гарликдан кейин иҳромга кирасиз. Иҳром маъноси шудир:

Ҳаж ёки умра амалларини бажаришни ният қилган пайтингиздан сиз иҳромга кирган ҳисобланасиз (бу ҳақда сиз овозингизни чиқариб, айтмаган бўлсангиз ҳам).

Ҳаж ёки умра қилиш нияти фарз намозларидан биридан кейин қабул қилингани яхши. Агар сиз иҳромга кириш ниятини фарз намозларидан ташқари пайтда қабул қилсангиз, икки ракаат “салоту-л-иҳром” — “иҳром намози” ўқишингиз ва шу пайт ният қилишингиз мумкин.

Агар сиз бирор одам номидан ҳаж ёки умра амалларини бажармоқчи бўлсангиз, иҳромга кириш нияти ана уша одам номидан қуийдагиларни айтиб бажарилади:

"Лаббайка—лоҳумма ан..." —
"Эй, Аллоҳим, фалончи номидан сенинг
оддингдаман..."

5. Ҳаж турлари

Ҳаж амаллари уч хил турда бўлади: ат—таматтуъ, ал—қирон ва ал—ифрод. Буларнинг ичида энг афзали ат—таматтуъ, кейин ал—қирон ва сўнгра ал—ифрод.

"Ат—таматтуъ" маъноси — ҳаж ойларидан бирида, мийқот орқали умра иҳромига ният қилинган бўлса, умра амалларини тўлиқ бажариб, иҳромдан чиқилади. Сўнгра Макка аҳли бўлмаганлар бир қурбонлик сўйиб, ҳаж иҳромини киядилар.

"Ал—Қирон" маъноси — ҳаж ва умрани бир пайтда ўтказиш. Мийқотлардан бирида ҳаж ва умра учун битта иҳромга кирилади. Ёки умра учун иҳромга кириб, сўнгра шу иҳромда ҳаж амалларини бажаришни

тавофдан олдин ният қилиб кирсангиз, ҳайит куни шайтонга тош отиб, соч олдириб, қурбонлик қылгунингизгача иҳромда коласиз.

"Ал-ифрод" маъноси – иҳромга фақат ҳаж амалларини бажариш учунгина кирасиз. Иҳромда ҳайит куни шайтонга тош отгунча ва соч олдиргунча қоласиз. Қурбонлик килиш шарт эмас. Бу ҳакда қуйида батафсил тұхталамиз.

6. Иҳромда ва ундан кейинги холатларда айтиладиган дуолар

1. "Ат-Таматтуъ" учун иҳромга кирган бўлсангиз, қуйидагиларни айтиш керак бўлади: "Аллоҳумма инни уриду – л – иҳром би – л – умра мутаматтиъан биҳа ила – л – ҳаж фаяссируҳа ли тақаббалҳа минни" ёки "лаббайка – л – лоҳумма умратан мутаматтиъан биҳа ила – л – ҳаж".

2. "Ал-Қирон" иҳромида бўлсангиз, қуидаги дуони ўқийсиз: "Аллоҳумма инни уриду-л-иҳром би-л-умра ва-л-ҳаж файассирҳа ли тақаббалҳа минни" ёки "лаббайка-л-лоҳумма умратан мутаматтиъан биҳа ила-л-ҳаж".

3. "Ал-Ифрод" иҳромига кирган бўлсангиз, қуидагиларни айтасиз: "Аллоҳумма инни уриду-л-иҳрома би-л-ҳаж ёки "лаббайка-л-лоҳумма ҳажжан".

Агар сиз ўзингизни касал сезсангиз ёки ҳаж ва умра амалларини бажара олмасангиз, иҳром ҳолатида қуидагиларни айтиш шарт ҳисобланади:

"Файн ҳабасани ҳabis ва маҳалли ҳайсу ҳабистани."

Агар сиз ҳаж ёки умра амалларини бажара олмаган бўлсангиз, сизга ҳеч нима бўлмайди, чунки муборак ҳадисда айтилганидек, сиз Аллоҳдан буни сўрадингиз. Иҳромга

киришни ният қилиб, қуидаги талбия айтиласы:

"Лаббайка — л — лоқумма лаббайк,
лаббайка ла шарика лака лаббайк,
инна — л — ҳамда лака ва — и — неъмата
ла шарика лака лаббайк."

Талбияни эркаклар баланд овозда, аёллар секин овозда айтадилар.

ОГОХЛАНТИРИШЛАР

Биринчидан, ҳайз күрган, ҳомиладор ёки яқинда күзи ёриган аёллар, бошқалар каби, аввал чўмилиб, тозаланиб, сўнгра иҳромга кирадилар. Лекин юқоридаги ҳолатлар иҳромдалик пайтида бўлиб қолса, ҳаж ва умра амалларини адo этадилар. Лекин тавоғни тозаланиб бўлгунга қадар қолдирадилар.

Агар аёл "ат — Таматтуъ" амалларини бажариш учун иҳромда бўлса — ю, юқоридаги ҳолатлар Арафа куни бўлиб қолса, унда ҳаж турини

ўзгартириб, "ал-Қирон" ҳажи амал—лари бажарилади. Арафотга бориб, бошқа ҳожилар билан бир қаторда бажарадилар, лекин тавоф ва саъи амаллари тозалангунга қадар қолдирилади.

Балогат ёшига етмаган болалар ҳаж ва умра амалларини мустақил ёки катталар раҳбарлигида амалга оширадилар.

Иккинчидан, ҳаво йўлидан, самолётда келувчилар, мийқотларнинг бирортаси устидан ўтаётганда иҳромга кирадилар. Йўловчилар Жидда аэропортига фақат иҳромда тушишлари лозим, чунки Жидда шаҳри мийқот ҳисобланмайди.

Агар сиз самолётта чиқишдан олдин юваниниб, тозаланиб, изорни оддий кундалик кийимларингиз тагидан кийиб олган бўлсангиз, мийқотлардан бири устидан ўтаётганда, устки кийимларингизни ечиб, елкангиэга ридо ташлаб олиб, ихром ниятини қиласангиз ҳам

бўлади. Мийқотлардан бири устидан ўтаётганда иҳромингиз (ридо ва изор) бўлмаса, ички яктақда қолиб, иҳром ҳолатига кирилади. Самолёт ерга қўнгандан кейин, яктаклар ечилиб, иҳром кийилади.

Аёллар учун маҳсус иҳром либослари йўқлиги сабаб, улар самолётда устларида кийимларида иҳром ҳолатига кирадилар. Юзларини тўсиш учун бошлирига рўмол ташлаб, қўлларидағи қўлқопларини ечиб олсалар, шунинг ўзи кифоя.

Учинчидан, баъзи ҳожилар иҳромга киргандан сўнг, эсдалик учун фотосуратга тушадилар. Бу икки жиҳатдан ҳаром: Биринчи нуқтаи назар, фотосурат – осийлик ва гуноҳи азимдир. Иккинчи нуқтаи назар, бу риёга киради, чунки "мен иҳромда – лигимни бошқалар кўрсинг", деб ўйлашнинг ўзи – катта риё. Риё солиҳ амални йўққа чиқаради. Эҳтиёт бўлинг, эй мусулмонлар!

Тұртингидан, умра ёки ҳажни бошқа одам номидан қилмоқчи бұлғанлар, аввало үzlари ҳаж ёки умра қилған бўлишлари лозим.

Бешинчидан, баъзи ҳожилар иҳромга киргандаридан кейин, унг елкаларини очиб, ридо киядилар. Бу – хато. Унг елка фақат тавоф пайтида очилади.

6. ИҲРОМГА КИРИШ НИЯТИДАН СҮНГ ҲАРОМ ҲИСОБЛАНГАН АМАЛЛАР

1. Иҳромга кириш ниятидан сүнг барча эркаклар ва аёллар учун ұтқир ҳидли ҳушбўй атирлардан фойдаланиш, ҳуш исли овқатлар ва ичимликлар истеъмол этиш, ҳушбўй мой ва совунлар ишлатиш манъ этилади.

2. Эркаклар ва аёлларга бошдаги сочни олдириш, баданинг бошқа қисмларидаги мўйларни қириш, тирноқ олиш манъ этилади.

3. Эркак ва аёлларга ҳайвонларни ўлдириш ва ов килиш, бирор кимсага бу ишларни қилишга ёрдам бериш тақиқданади.

4. Эркак ва аёлларга жинсий алоқа, шунга олиб борадиган ишлар, уйланиш, никоҳ үқиттириш ва бу хақда гапириш ҳаром килинади.

5. Эркаклар бошини дўппи, салла, рўмол ва шунга ухшаш нарсалр билан беркитиши мумкин эмас (зонт, машина ёки чодирлардан фойдаланишга рухсат бор).

6. Эркаклар тикилган устки кийимлар (кўйлак, пахмоқ, матоли кийимлар, пайпоқ) кийишлари манъ этилади. Пул сақлаш учун камар тақишлиари мумкин. Қора кўзойнак, никоҳ узути ва соат тақиши мумкин эмас, оёқча енгил шиппак кийилади.

7. Аёллар зебу зийнатларини ва юзларидаги никобларини, қулларига мос килиб жун ёки ип газламадан

тикилган құлқопларини ечишлари
лозим.

7. АТ-ТАНЬИМ ВА АЛ-ЖИРРОНА
МАСЖИДЛАРИДА ЙҮЛ
КҮЙИЛАДИГАН ХАТОЛАР
ХАҚИДА ОГОХЛАНТИРИШ.

1. АТ-ТАНЬИМ МАСЖИДИДА

Кўплаб ҳожилар ал-Ҳарам масжидига боришдан олдин, ат-Танъим масжидини зиёрат қилиб, намоз ўқиш керак, деган нотуғри ўйга борадилар. Баъзи ҳожилар эса йўлдаги мийқотларда иҳромга кирмай, ат-Танъим масжидида иҳромга кирмоқчи буладилар. Маккадаги ҳожилар умра иҳромига кириш учун атайин ат-Танъим масжидига йўл оладилар.

Буларнинг ҳаммаси ат-Танъим масжидининг алоҳида муқаддаслиги ва фазилати бор, деган ишонч билан амалга оширилади. Бу ўринда шуни огоҳлантириб, ўтмокчимизки, бу масжиднинг бошқа масжидлар олдида

хеч қандай алоҳида муқаддаслиги ёки фазилати йўқ. Бу – бидъатдан бўлак нарса эмас. Пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар:

"Ман ъамила ъамалан лайса ъалайҳи амруна фаҳува радд". – "Биз буюрмаган иш бажарилса, уни қабул этмаймиз."

Пайгамбаримиз (с.а.в.) ва саҳобалар бу ерга келишмаган, бу масжид ўша даврда бўлмаган ҳам, у кейинроқ қурилган ва Ойша масжиди деб аталган. Ойша онамиз бу ердан доимо ихромга кирганлар, деган даъвога асос йук.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) замонасида, Ойша онамиз ҳаж ва умрани қўшиб адo этмокчи бўлганларида, ҳайз ҳолатида булиб қоладилар ва Пайгамбаримиз (с.а.в.)дан фақат умра амалларини бажариш учун изн сурайдилар. У кишининг рухсатларини олиб, энг яқин ва қулай

жой бўлмиш – ат–Танъимда умра иҳромига кирадилар.

Шунинг учун, бошқа масжидлар олдида бу масжиднинг алоҳида фазилати йўқ, баъзи авом бу масжиднинг фазилати ҳақида гапирса, бу, шубҳасиз – хато.

Бундай нотӯғри эътиқод остида йўлда бошқа мийқотларни ташлаб келиб, шу ерда иҳромта кириш – бидъатdir, чунки бундай қилиш оқибатида ҳаж ва умра амалларидан бири бузилади. Бу хато ишни қилганлар бир қўйни қурбонликка сўйиб, камбағал – бечораларга тарқатишлари лозим.

Ҳожи ва умрачилар, Маккага келганларида, биринчи галда ал – Ҳарам масжидига кирмай, ат – Танъим масжидига намоз ўқиш учун борсалар, бу бидъатdir, бу юқоридаги гуноҳдан ҳам оғир гуноҳdir. Чунки иҳромдаги одамга, шариат буйича Маккага келибоқ ал – Ҳарам масжидига бориб,

Байтуллоҳни тавоғ килиш, Сафо ва Марва орасида саъӣ (юриш) қилиш (агар умрага келинган бўлса), агар иҳромдаги одам "ал-Қирон" ёки "ал-Ифрөд" амалларини бажараётган бўлса, "тавоғ ал-қудум" қилиши шарт, Ат-Танъим масжиди ёки бирон бир бошқа масжидларга борилмайди. Маккадан ат-Танъимга бориб умра учун қайта иҳромга киргандан, иҳромни ечмай намоз ўқиши ва тавоғ қилиш афзалроқдир.

2. АЛ-ЖИ҆РОНА МАСЖИДИДА

Бу масжид Маккага яқин жойда – Макка ва Тоиф шаҳарлари орасида жойлашган. Баъзи бирорлар ӯйлаганидек, бу жой ва масжиднинг бошқа жойлар олдида ҳеч қандай ортиқча фазилати йўқ.

Бир марта пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Макка йўлида, Ҳаниндан келишда шу масжидда

тұхтаб, умра қилишни шу ерда ният қилиб, иұромга киргандар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва саҳобалардан ҳеч ким Маккадан ал-Жиъронага атайин иұромга кириш ва намоз үқиш учун чиқмаганлар. Баъзилар қылганидек, Маккадан ал-Жиъронага бориб, умра учун иұромга кириб, намоз үқишни на пайғамбаримиз (с.а.в.), на саҳобалардан ва на мұътабар аҳли илмдан ҳеч ким қымаган. Күпчилик авом буни суннат, дейди. Лекин бу суннат әмас, чунки пайғамбаримиз (с.а.в.) Маккага кириб келишдегина бу ерда иұромга киргандар. Лекин бу ер – Тоифликтар ва Тоиф орқали Маккага келувчилар учун иұромга кирадиган жойдир.

2. МАККАГА КЕЛГАНДАН СҮНГ ҚИЛИНАДИГАН АМАЛЛАР

1. Ат-Таматтуъ амалларини ба- жарувчилар учун

Маккага келгандан сўнг, умра амаллари адo этилади: Каъбани етти марта умра тавофи қилинади. Тавоф муқаддас “ҳажарул-асвад” (қора тош)дан бошланиб, яна шу қора тошда тугалланади. Тавофдан сўнг, имкони борича мақоми Иброҳим олдида икки ракаат намоз ўқилади. Бўнинг иложи бўлмаса, муқаддас масжиднинг ҳоҳлаган ерида ўқиса бўлади. Замзам сувидан ичиб, Сафо ва Марва орасида умра саъий бажарилади. Умра саъийининг биринчи юриши Сафодан бошланиб, Марвада тутгайди. Иккинчи юриш Марвада бошланиб, Сафода тутгайди. Шу аснода еттита юриш

туталланади: Сафодан Марвага юришингиз – битта саъй, Марвадан Сафога юриш – битта саъй.

Шундан сўнг эркаклар соchlарини олдирадилар ёки ҳар томонидан қисқартирадилар. Шу билан умра амаллари бажарилган ҳисобланади. Умрачилар иҳромдан чиқишилари ва иҳромдалигида манъ этилган ишларни қилишилари мумкин.

Умра амаллари – иҳром, тавоф, саъй

Умра вожиблари – белгиланган жойдан иҳромга кириш, соч олдириш ва қисқартириш.

Ал-Қирон ва ал-Ифрод амалларини бажарувчилар учун.

Маккага келгандан сўнг, қудум тавофини қиласадилар, ундан кейин икки ракаат тавоф намози ўқилади. Сўнгра, агар ҳоҳласангиз, ал-Қирон саъйини

(ал – Қирон амалларини бажарувчилар учун) ёки ҳаж саъйини (ал – Ифрод амалларини бажарувчилар учун) қилишингиз мумкин. Ҳаж саъий қудум тавофидан кейин оқибати ифода тавофидан кейин бироз вақтдан сўнг амалга оширилади. Мийқотда кийилган иҳромда қудум тавофидан кейин ҳам то қурбонлик куни – ҳайитгача қолипади.

ОГОХЛАНТИРИШЛАР:

Биринчи, тавоғ бажарилиши тўғрилигининг шартлари: чин юракдан, овоз чиқармасдан қилинадиган ҳолис шият, таҳорат қилиш ва овратни беркитиш, етти марта тавоғ килиш. Тавоғнинг ҳар бир айланиши "Қора тош"дан бошланиб, "Қора тош"да тугайди, бунда Каъба тавоғчининг чап қўлида, Исмоил тоши эса Тавоғ айланасининг ичида бўлади.

Иккинчи, умра тавофи ва қудум тавофида эркакларнинг ўнг елкалари

очиқ бўлади. Тавофнинг дастлабки уч айланишини тезроқ, кичик қадамларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Учинчи, тавоф ва саъй амаллари учун маҳсус дуолар йуқ. Аллоҳни улуғловчи, унинг буюклигини мадҳ этувчи дуолар ёки Қуръондан ояти карималар ўқиши мумкин.

"Қора тош" олдида тиқилинч қилмасдан, агар имкони бўлса, тошга қўл теккизиб, уни ўпилади. Бунинг имкони бўлмаса, тош ёнидан ўтиб кетаёттанди, у томонга қўл билан ишора қиласа ҳам бўлади. Имкони бўлса, Яман рукни (Катъбанинг Яманга йўналган бурчаги)га қўл теккизинг, агар бунинг имкони бўлмаса, тавофни давом эттираверинг.

Тўртинчи, саъйни тўгри бажариш шартлари: ният килиш, тавофдан кейин Сафо ва Марва орасида етти марта юриш.

Бешинчи, тавоф ёки саъй қилинаётганда намозга қомат айтилса,

тавоф ва саъй амаллари тұхтатилиб, жамоа билан намоз үқилади, шундан сұнг юқоридаги амаллар тұхтаган жойидан охирига етказилади.

3. Тарвия куни қилинадиган амаллар.

Тарвия куни – зу – л – ҳижжа ойининг 8 – куни. Шу куни умра амалларини бажариб бўлиб, ат – Таматтұй амалларини бажараёттан ҳожилар, ҳаж ихромига кирадилар. Бунинг учун улар мийкотда ихромга кириш учун қылган амалларини қайтарадилар: ювинадилар, тозалана – дилар, баданга ҳушбуй нарсалардан сурадилар, сұнг турған жойида ҳаж ихромини киядилар.

Ал – Қирон ва ал – Ифрод амалларини бажараёттандар мийкотда кийган ихромларини ечмайдилар.

То пешингача ҳамма Минога чиқади, Ҳарамга тавоф учун борилмайди, уйларидан тұғри Минога

кетилади. У ерда пешин, аср, шом ва хуфтон намозларини ўз вактида 2 ракаатдан қаср (қисқартириб) ўқилади. Зу-л-ҳижжа ойининг 9-кечасини ҳожилар Минода ўтказадилар, бомдод намозини ўқийдилар. Минода тун ўтказиш суннат, Минодан кетиб қолинса, ҳеч нарса бўлмайди.

Ат-Тарвия кунигача Минога келганлар бўлса, улар бошқалар каби эрталаб иҳромга кирадилар ва ўз манзилларида қоладилар.

4. Арафотда туриш ва унда қилинадиган ишлар.

Зу-л-ҳижжа ойининг 9-куни қўёш чиққандан кейин, ҳожилар тинч, осойишта, виқор билан талбия айтиб, Минодан Арафотта йўл оладилар. У ерга етиб келгандан сўнг, Арафот чегараларини аниқ билиб, шу чегара ичида жойлашадилар. Тог томонга бориш, атайин уни кўздан кечириш ва унга кўтарилиш лозим эмас. Кун

ярмида пешин ва аср намозларини икки ракааттагача қисқартириб үқийдилар. Бунда пешин ва аср намозларига битта азон айтилиб, алоҳида—алоҳида такбир айтилади. Қолган пайт Аллоҳга ҳамду—сано айтиб, ибодат билан машғул бўлинади.

Дуо ӯқиётган ҳожилар Каабага юзланган булишлари лозим. Ибодат қуёш ботгунга қадар давом этади. Сўнгра ҳожилар Муздалифага йўл оладилар. Қуёш ботишдан олдин Арафот чегараларидан чиқиб олганлар бўлса, улар албатта орқаларига қайтиб, то қуёш ботгунча Арафот чегаралари ичидан бўлмоқликлари лозим. Агар қайтмасалар, бу — катта гуноҳ, бу гуноҳни қилганлар қурбонлик сўйишлари керак бўлади. Қуёш боттандан сунг, Муздалифага кетишда ҳожилар яна осойишта, виқор билан Аллоҳга талбия ва истиғфор айтадилар.

Огоҳлантириш:

Арафотга қуёш боттандан сўнг келган ҳожилар Арафот чегаралари ичидагу турини ёки ундан ўтган бўлиши кифоя. Бу ерда турини ҳайитнинг биринчи куни қуёш чиқишига қадар давом этади.

5. Муздалифада турини.

Ҳожилар Муздалифага келгандан сўнг, шом ва хуфтон намозларини иккиси ракаатдан қисқартириб ўқийдилар. Бунда шом ва хуфтон намозларига битта аzon айтилиб, алоҳида—алоҳида такбир айтилади. Намоздан сўнг, жойлашиб, тунни шу ерда ўтказилади. Тун ярмида заифа аёллар, болалар ва катта ёшдаги қарияларга, бошқалар ёрдамига муҳтожларга Муздалифадан Минога кетишга рухсат берилади. Қолган ҳожилар тунни ўтказиб, бомдод

намозини ўқийдилар, намоздан кейин то тонг отгунча Аллоҳга ҳамду сано ўқиб, истиғфор айтадилар. Қуёш чиқиши биланоқ Мино томон йўл оладилар. Куч-қуввати бор соғлом ҳожиларнинг тун ярмида Муздалифадан кетиб қолишлари – катта гуноҳ, агар дарҳол қайтиб келмаса, битта қурбонлик сўйиши керак бўлади. Чунки Муздалифада тунни утказиш (ақалли тун ярмигача бўлиш) – ҳаж вожибларидан саналади. Муздалифага тун ярмида келганлар, бу ерда бир оз вақт туришлари ёки ундан ўтиб кетишлири керак бўлади.

6.Ҳайит куни қилинадиган ҳаж амаллари.

Муздалифадан Минога кетаётган ҳожилар йўлда Жамаротда отиш учун 7 та тошчалар терадилар. Хар бир тош нўхатдан катта бўлмаслиги керак. Минога етиб келгач, Жамарот кубро

(катта шайтон)га 7 та тош отадилар. Ҳар бир тош отишга құл күтарғанда "Аллоұу акбар" деб айтиласы. Ҳар бир отилаётган тошча Жамарот ҳовузига (ичига) тушиши керак. Жамарот ал-Ақабага тош отиш вақти Зу-л-ҳижжа ойининг 10-тунидан то 10-нчи куннинг қуёш ботишига қадар давом этади. Жисмонан бақувват ҳожилар шу куни тонг отиши биланоқ тош отишга борғанлари маъқул. Тош отиб бўлгандан кейин, таматтұъ ва қирон амалларидан бирини бажараётган ҳожилар қурбонлик сўядилар. Қурбонлик сўйиш ҳайитнинг биринчи куни тонг оттанидан то зул-ҳижжа ойининг 13-куни қуёш ботгунга қадар давом этади (яъни, ҳайит куни ва ундан сўнг 3 кун мобайнида). Қурбонлигингиздан бир оз узингиз есангиз яхши, қолганини садақа қилиб тарқатиласы.

Қурбонлиқдан сўнг сочингизни оласиз ёки бошнинг ҳамма томонидан сочингизни қисқартирасиз. Аёллар

соchlари учидан бир энлик миқдорида қисқартирадилар, ёки соchlарини бир ұрам қилиб, учидан бир энлик қирқишилари мүмкін. Ҳожилар Жамарот – ал – Ақабага тош отиб, соchlарини олдириб ёки қисқартириб бұлған бұлсалар, ихромдан чиқадилар ва ихром пайти манъ этилган жамики нарсаларга (аёллар билан яқинликдан ташкари) рухсат этилади. Аёли билан яқинлик эса ифода тавофидан сұнгина мүмкін бұлади. Тош отиб, қурбонлик сүйиб, сочни олдириб ёки қисқартириб бұлғандан сұнг ҳожилар ҳайитнинг биринчи куни ифода тавофини, кейин эса саъйни амалга оширадилар (агар ҳожи ат – Таматтуь ёки ал – Қирон ё ал – Ифрод амалларини бажараётган ва құдум тавофидан сұнг саъй құлмаган бұлса.). Шу куни ифода тавофини адо этмоқ афзалдир ёки уни кечиктириш хам мүмкін. Ифода тавофини адо этиш вақти ойнинг үнинчи кечаси ярмидан то белгіланмаган муддаттагача, яъни

чексиз, деб айтилади, лекин ҳар ҳолда ташриқ Кунларидан кечиктириш керак эмас.

ОГОҲЛАНТИРИШЛАР:

1. Ҳайит кунининг юқорида зикр этилган тўртта амаллари қуидаги тартибда бажарилади: тош отиш, курбонлик сўйиш, сочни олдириш ёки қисқартириш, ифода тавофи ва саъй. Шундай кетма-кетлик афзал, лекин бу амалларнинг ўрни ўзгариши ҳам мумкин.

2. Тош отиш, соч олдириш, ифода тавофи ва саъй – уч амал бажарилган тақдирда ҳожиларга иҳром ҳолатида ман этилган ҳамма нарсага рухсат этилади (хатто аёли билан яқинлик хам). Агар юқоридаги уч амалдан фақат иккитасигина бажарилган бўлса, ҳожиларга иҳром ҳолатида манъ этилган нарсаларга рухсат этилади (аёли билан яқинликдан ташқари).

3. Қурбонлик учун танланган молга шариат бўйича қўйиладиган талаблар: қўй—олти ойликдан кам бўлмаслиги, эчки – бир ёшдан, сигир – икки ёшдан ва тия беш ёшдан кам бўлмаслиги керак. Қўй ёки эчки фақат бир киши номидан, сигир ёки тия эса етти киши номидан қурбонлик қилиниши мумкин. Курбонликка танланган мол соглом бўлиши, қари, чулок, кур ёки шабкор бўлмаслиги керак ва ҳамма аъзолари бутун бўлмоги шарт. Ҳожилар қурбонликларини ташлаб юборишлари ярамайди, билъакс, курбонлик гўштини ўзлари хам еб кўришлари, қолганини камбағал бечораларга тарқатишлари лозим.

4. Курбонлик қилишга қодир бўлмаганлар 10 кун рўза тутадилар: 3 кун ҳаж мавсумида (Арафотда туриш кунигача ёки Зу-л-ҳижжа ойининг 11–, 12 – ва 13 –кунлари энг афзал кунлардир) ва қолган 7 кунлик рўзани

жаждан уйга қайтиб боргандан кейин тутадилар.

7. Ташриқ күнларида қилинадиган ҳаж амаллари;

Ташриқ күнлари Зу – л – ҳижжа ойининг 11 – , 12 – ва 13 – күнлари хисобланади ва шу күнлари хожилар күйидаги икки амални бажарадилар:

1. Шу уч күн давомида имкон қадар тунларни Минода ўтказиш ҳаж вожибларидан саналади. Бирон бир узрсиз кеча туналмаса, бу – гуноҳ ва гуноҳни ювиш учун қурбонлик қилиш зарур булади.

2. Шу уч күн давомида қуёш чиққандан кейин учта жамаротда тош отиласди, намоз ўз вақтида икки ракааттагача қисқартириб ўқиласди.

8. Тош отиш.

Зу-л-ҳижжа ойининг 11-куни қуёш заволидан кейин, ўзи турган жойидан ёки йўлда терилган тошларни (ҳар бир тошча нўхатдек бўлиши керак) олиб, Минода жойлашган ал-Жамарат ас-Сутра (кичик жамарат)га келинади ва навбат билан еттита тошча отиласди. Ҳар бир тош отишга қўл кўтаргандан "Аллоҳу акбар" деб айтиласди. Тошчалар жамаротнинг ҳовузига тушишига эътибор берилиши керак. Сўнгра ал-Жамарат ал-Вуста (урта жамарат)га келиб, 7 та тошча худди шу тарика отиласди. Охирида ал-Жамарат ал-Кубра (кatta жамарат)га келиб, юқоридагиларга ўхшаб 7 та тошча отиласди.

Зу-л-ҳижжа ойининг 12-куни қуёш заволидан кейин худди шу амални, шу тартибда яна қайтарадилар. 12-куни тош отиб бўлгандан кейин,

агар ҳоҳласа, қуёш ботищдан олдин Минодан кетиши мумкин. Лекин агар қуёш ботиб, 13-кун кечасига қолиб кетилса, тунни шу ерда ўтказиб, 13-кун тош отиш амалини бажарадилар. Бу "ат-Таъхир" – "кечиктириш" деб аталади.

Беморлар, ҳомиладор аёллар, болалар ва кариялар тош отишга ўзларининг ўрниларига бошқаларни вакил килишлари мумкин. Вакил қилинган ҳожи тошларни аввало ўзининг номидан, шундан сўнггина бошқалар номидан отади.

Якунлар:

Ҳаж арконлари тўртта:

- иҳром,
- Арафотда туриш,
- тавоф,
- саъй.

Ҳаж вожиблари еттита:

- мийқотдан иҳромга кириш,

- қүёш ботгунча Арафотда туриш,
- Муздалифада тунаш,
- ташриқ кунлари Минода тунаш,
- тош отиш,
- соч олдириш ёки қисқартириш,
- ал – видоъ (хайрлашув) тавофини бажариш.

Ҳаж арконларидан бири бажарилмаса, ҳаж қабул бўлмайди.

Ҳаж возибларидан бири бажарилмаса, хожи қурбонлик қилиши лозим. Қурбонлик гўшти Маккадаги камбағал – бечораларга тарқатилади ва хожи бу гўштдан ея олмайди.

9. Видо (хайрлашув) тавофи

Ҳожи ҳаж амалларини адo этиб бўлиб, уйига кетишни ихтиёр этса, ҳайрлашув тавофини бажармасдан кета

олмайды. Бунда Кааба етти марта тавоф қилинади ва саъй қилинмайды. Агар ифода тавофини кечиктирган бўлсангиз, бу тавофни ҳам адо этасиз. Ҳайз қўрган ёки янги туққан аёллар ҳайрлашув тавофини бажармайдилар.

Ҳаж амалларини бажаришда
ҳожилар йўл қўядиган хатолар
ҳақида огоҳлантиришлар:

Булар — ақидага тааллуқли бўлган, шунингдек ҳаж аҳкомларига оид хатолардир. Ақидага оид хатоларга ҳожиларнинг Маккаи мукаррамада ва Мадинаи мунавварада бўлган пайтларида азиз авлиёлар қабрларини зиёрат қилишлари киради. Қабрлар зиёрати пайтида ўлганларни хотирлайдилар, Аллоҳдан ўлганлар ҳақига дуолар сўрайдилар. Бу ишлар ширк ва бидъат бўлиб, қабрлар зиёрати масаласида пайгамбаримиз (с.а.в.)

суннатларига хилофдир. Чунки суннат бўйича қабрлар зиёрати пайти охиратни эслатиш, вафот этган мусулмонлар ҳақига раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилишдир. Шунинг учун бундай ишлар сафар пайтида қилинмайди. Зиёратни фақат эркаклар аёлларсиз амалга оширадилар. Пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: "Қабрларни зиёрат этишни наҳй этар эдим, бирок уларни зиёрат этингларки, улар охиратни эслатиб туради."

Бу хитоб эркакларга қарата маҳсус айтилган, чунки расуллулоҳ (с.а.в.) қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни лаънатлаганлар. Пайгамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) қабрлар зиёрати чогида ўлган ҳақига мағфират ва раҳмат сўраб, дуо қиласдилар. Бундан бошқа мақсадларда қабрларни зиёрат қилиш – Аллоҳга ширк келтиришдир ва бу ҳаж амалларига ва мақсадларига зиддир.

Баъзи ҳожилар Макка ва Мадинадаги турли зиёратгоҳларга бориш учун кучларини, вақтларини ва пулларини кеткизадилар. Маккада улар Ҳироғори, Саврғорига ва борилиши ношарьий бўлган бошқа жойларга, Мадинада эса намоз ва дуо ўқиши учун Етти масжида, Ал-Қиблатайн (Икки қибла) масжидига борадилар. Макка ва Мадинадаги бундай жойларни зиёрат қилиш, бу ерларда ибодат қилиш ислом динидаги янги бидъатлардандир. Ер юзида атайнин зиёрат қилиб, намоз ўқиши учун фақат учта мұқаддас масжид бор. Булар: Маккадаги "ал-Ҳарам масжиди", Мадинадаги "Масжиду-н-Набавий" – пайғамбаримиз (с.а.в.) масжиди, Қуддусдаги "ал-Ақсо масжиди"дир. Мадинада бўлганлар учун Қубо масжиди ҳамдир.

Ислом динида на Маккада, на Мадинада ва на бошқа жойларда маҳсус зиёратгоҳлар ва ғорлар йўқ, чунки бунга исботи далил йўқ.

Хожилар ҳажға Аллоҳдан ажру савоб сұрагани келадилар. Ҳожилар үз вақтларини ал-Ҳарам масжида, пайғамбаримиз (с.а.в.) масжидларида намозу дуода үтказсалар, пулларини Аллоҳ йұлида мұхтожларға садақа учун ишлатсалар, күп ажру савобға зға бұладилар.

Билъакс, бу имкониятларини бидъат ва хурофот йұлида бой берсалар, үзларига гуноҳ орттирадилар. Ҳожилар бу нарсалардан огоҳ бұлиб, жаҳолат ва бидъатдан нари бұлғанлари маъқул. Улар үз ақидалари ва ҳажларини мухофаза этиш учун Қуръони карим ва суннат зиёсида бұлған амалларға мурожаат қылсиналар, аҳли илм маслаҳатларига қулоқ солсиналар.

Хаж амалларига таалдуқли бұлған хатолар

Бириңчи: Иҳром

Ҳаво йұли орқали ҳажга келувчи ҳожилар иҳромга киришни то самолёт Жидда аэропортига құнгунча кечиктирадилар ва аэропортда иҳромга кирадилар. Ёки иҳромга мийқотдан (белгиланған жойдан) олдинроқ ёки кейинроқ кирадилар. Мийқотлар хусусида пайғамбаримиз шундай деганлар: "Улар(мийқотлар) бу ернинг аҳлидан бүлмаган ва шу ердан үтувчилар учундир".

Мийқотда иҳромга кирмай, үтиб кетгандар, ҳаж ва умра ниятида келаётганды ҳаво орқали мийқот устидан үтаётганды, иҳромга кирмаганлар катта гуноҳ орттирадилар, улар ҳаж ва умра амалларидан бўлмиш асосий вожибни адo этмаган ҳисобланадилар. Шу сабабли бу

гуноҳни ювиш учун бир қурбонлик сўйилади. Жидда шаҳри унинг аҳлидан ва бу шаҳарда бўлиб туриб, ҳаж ва умрани ният килганлардан бошқаларга мийқот ҳисобланмайди.

2. Иҳром ҳолатида бўлган баъзи ҳожилар эсдалик учун деб, расмга тушадилар. Бу ишни улар дўстларига ва таниш—билишларига кўрсатиш учун қиласадилар. Бу икки жиҳатдан хато:

биринчидан, расмга тушишнинг ўзи муборак ҳадисларга кўра тақиқланган. Ибодатга келган ҳожилар ўз ҳажларини тақиқланган нарсадан бошлашлари маъқул эмас,

иккинчидан, бу иш риёга киради, чунки ҳожи ихромдаги ҳолатини бошқаларга кўз—кўз этмоқчи. Бу — риё, риё эса ширқдир, мунофиқлар сифатларидандир.

3. Баъзи ҳожилар ихромга кириш пайтида уларда бўлмаган нарсалардан фойдаланиш мумкин эмас, деб ўйладилар (масалан, пойабзал, пул). Бу

— хато. Олдинги бобларда айтиб үтилганидек, ихром ҳолатида манъ этилган нарсалардан ташқари бошқа нарсалардан фойдаланиш мумкин. Ихром ҳолатида бўлган пайтида зарур нарсаларни сотиб олиш, ихром кийимларини ювиш мумкин ҳисобланади.

4. Баъзи эркак ҳожилар ихром кийимларини кийган заҳоти ўнг елкаларини очиб оладилар. Бу — ношаръийдир. Ўнг елка фақат тавоғ (кудум тавофи ва умра тавофи) пайтида очилади. Бошқа барча ҳолатларда ўнг елка ридо билан ёпиб олинади. Бундай килингандага намоз ўқиши ҳам осонроқдир.

5. Баъзи аёл ҳожилар ўз ихром кийимлари маҳсус рангда (масалан яшил рангда) бўлиши керак, деб уйлайдилар. Бу — хато, чунки ихромга кирган аёлларга маҳсус ранг белгилаб берилган эмас. Шунинг учун улар ихром ҳолатига ўзларининг оддий

күйимларида кирадилар. Бу күйимлар оро берилган, зийнатли, тор ёки юпқа – шаффоф (ичи күринадиган) бұлмаслиги керак.

6. Баъзи аёллар иҳром ҳолатида бошларига салласифат баланд бош күйим киядилар. Бу – хато, ортиқча сарф – харажатдир. Ойша онамиз ҳақидаги ҳадисларда, аёллар номаҳрам эркаклардан юзларини беркитадилар, деб айтилған

7. Ҳаж ёки умрани ният қилиб, мийқотдан ұтаёттан аёллар, агар шу пайтда ҳайз күриб қолсалар, мийқотдан иҳромга кирмай үтиб кетадилар. Бундай қилиш – очиқ – равшан хато, чунки ҳайз күриш иҳромга кириш учун түсік бўлолмайди. Ҳайз кўрган аёллар ҳам иҳромга кирадилар, бошқа ҳожилар қилаёттан амалларни бажарадилар. Бунда фақат тавоф амали бажариш то аёл бутунлай тозалангунга қадар қолдирилади.

Сунна бўйича, иҳромга кирилмай ўтиб кетилган бўлса, албатта мийқотга қайтиб бориб, иҳромга кириш керак. Мийқотга қайтиб бормай ёки ундан ташқарида иҳромга кирилса, қурбонлик сўйиш лозим бўлади.

Иккинчи: Тавоф

1. Кўплаб ҳожилар Тавоф пайтида айтиладиган махсус дуолар бор, улар ё ўзлари ўқишилари ёки гурух олдида бораётган қорига эргашиб, ўқиши керак, деб ўйлайдилар. Бу икки жиҳатдан хато:

1) тавоф пайтида ўқиладиган махсус дуолар йўқ, чунки пайтамбаримиз (с.а.в.) дан махсус дуо қолган эмас.

2) жамоа бўлиб ўқиладиган дуо – бидъат, чунки бошка тавофчилар учун ноқулайлик тутдиради. Энг тўғриси – ҳар бир одам ўзи дуоларни секин, овозини кўтармасдан ўқигани маъқул.

2. Баъзи ҳожилар ал-Йаманий бурчагини ўпадилар, бу – хато, чунки ал-Йаманий бурчаги қўл билан ушланиб, ўпилмайди. "Ал-Ҳажар ал-асвад" (Қора тош) ўпилади. Қора тошни имкони булса ўпадилар ёки қўл билан ушлайдилар. Агар бунинг имкони бўлмаса, ёнидан ўтаётганда у томонга қўл билан ишора қиласидилар. Ал-Йаманий бурчаги қўл билан ушланади, ўпилмайди ва қўл билан ишора қилинмайди. Каабанинг бошка бурчаклари қўл билан ушланмайди ва ўпилмайди.

Баъзилар "Қоратош"ни ушлаш ва ўпиш учун бошқа ҳожиларни итариб, тиқилишадилар. Бу – нотуғри, чунки бу ур – ииқит атрофдагилар учун хатарли.

Энг тұғриси – агар имкони бўлса, "Қора тош"ни ўпиш ва қўл билан ушлаш. Агар имкони бўлмаса, у томонга ишора килиш ва тинчлик сақлашдир.

Ибодат осонлик ва оддийликка қурилгандир.

Учинчи. Ҳаж ва умра учун соч қисқартириш. Баъзи ҳожилар соchlарини қисқартирганда, фақт бир томондан қисқартириб қўя қоладилар. Бу билан ҳаж ва умра амаллари тулиқ бўлмайди. Бунда сочни бошнинг ҳамма томонларидан қисқартириш талаб этилади. Соchни олдириш ёки уни бошнинг ҳамма томонларидан қисқартириш, Аллоҳ Таолонинг "Сочларингизни қирдириб ташланг ёки қисқартиринг, қурқманг", — деган амрига кўра адо этилади.

Тўртинчи. Арафотда туриш.

1. Баъзи ҳожилар турган жойларининг тўғрилигига, Арафот чегаралари кўrsаткичларига эътибор бермай, туриш учун носолиҳ жойларда тураберадилар. Бу билан улар ҳаж амалларини бузадилар ва Арафот чегаралари ичida турганликларини аниқ билишлари талаб этилади.

2. Баъзи хожилар "Жабал ар – Раҳма" – "Раҳмат тоғи"га қараб туриш, хатто унга бориб, тоққа чиқиш лозим, деб биладилар. Бу билан ўзларини ҳавф – хатарга қўйиб, катта қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Буларнинг ҳеч қайсиси талаб этилмайди. Талаб этиладигани – Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сўзлари билан айтганда: " Арафотнинг ҳамма ери туришга яхши, Арнат водийсидан юқорида бўлса бас." Яъни, сиз тоғни кўряпсизми ёки йўқми , бунинг аҳамияти йўқ. Баъзилар тоққа қараб, кибла деб фаҳмлайдилар – да, дуо қиласидилар. Ахир бу тоғ Кааба эмас – ку!

3. Баъзи ҳожилар қуёш ботгунга қадар Арафотдан чиқиб кетадилар. Бундай қилиш ярамайди, чунки Арафотдан чиқиб кетиш пайти қуёш ботиш пайти, деб белгиланган Кимки Арафотда белгиланган пайтдан олдин чиқиб кетса, ҳаж вожибларидан бирини бажармаган ҳисобланади. Улар Аллоҳга

тавба қилиб, құрбонлик сүйишлари керак, чунки пайғамбаримиз (с.а.в.): "Арағотда қуёш ботгунга қадар туринглар ва мендан ибрат олинглар", — деб айттанлар.

Бешинчи. Муздалифа

Муздалифага келган ҳожилардан шом ва хуфтон намозларини жам қилиб үқиб, шу ерда тунаш, бомдод намозини үқиб, то қуёш чиққунча Аллоҳга ҳамду сано айтиб, дуои ибодатда бўлиш талаб этилади. Сўнгра Минога кетилади. Узрлилар (аёллар, кариялар ва болалар) тун ярмидан ўтгандан кейин, бу ердаги амалларни бажаришни бошқаларга топшириб, Муздалифадан кетаверишлари мумкин. Баъзи ҳожилар Муздалифа чегараларидан ташқарида тунайдилар, бошка тоифа ҳожилар эса тун ярмигача Муздалифа чегарларидан чиқиб кетадилар. Узрсиз Муздалифадан барвақт кетиб қолган ҳожилар ҳаж вожибларидан бирини бажармаган

хисобланадилар. Улар қурбонлик қилишлари ва тавба тазарруъ этиб, Аллоҳдан истиғфор сұрашлари лозим бўлади.

Олтинчи. Жамаротда тош отиш

Тош отиш – ҳаж вожибларидан бири. Ҳайит куни ҳожилар "Жамарот ул-ақаба"га тош отадилар. Ҳайит кечаси тун ярмидан кейин тош отишни бошлаш мумкин. Кун ярмидан кейин Ташриқ кунлар Жамаротда уч марта тош отадилар. Лекин баъзи ҳожилар тош отишда қўйидаги хатоларга йўл қўядилар:

1) Баъзи ҳожилар белгиланган вақтдан ташқари пайтда тош отадилар, яъни ҳайит кечаси ёки Ташриқ кунлари кун ярмигача тош отадилар. Бу қабул бўлмайди, чунки белгиланган вақтда қилинмади. Бундай қилиш намозни белгиланган пайтда уқимаслик билан баробар.

2) Баъзилар тош отиш тирибига риоя қилмайдилар, масалан, тош отишни ўрта жамаротдан ёки катта жамаротдан бошлайдилар. Аввал кичик, кейин ўрта ва сўнгра энг охирги катта жамаротда тош отиш возибдур.

3) Баъзилар тошларни белгиланган жой – Жамарот ҳовузига отмайдилар. Нотўғри отилган тошлар ҳисобга олинмайди, чунки белгиланган жойга тушмади. Буларнинг ҳаммаси – жоҳиллик, шошма – шошарлик ва билмаслик оқибатидир.

4) Баъзилар Ташриқ кунларининг биринчи куни тош отиб, ҳаж тамом бўлгунча жўнаб кетадилар. Бошқа бирорлар эса биринчи куни учта жамаротга тош отиб, қолганига бошқаларни вакил қилиб, ўзлари ватанларига жўнаб кетадилар. Бу ҳаж амаллари билан ўйнашиш ва шайтон васвасасига учишдир. Бу инсон шунча машаккатлар кўриб, шунча маблағ сарф – харажат қилиб, ҳаж амалларидан

озгинасими адо этиш қолганда, у билан шайтон үйнашыпти, ҳаж вожибларидан бири бажарилмай қолиб кетяпти. Бу қолгани озгина амал — қолган кунлари жамаротда тош отиш, "Ташриқ кунлари" түнлари Минода тұнаш, Видо (Хайрлашув) тавоғидир. Бундай тұлық бўлмаган ҳажни қилгандан қилмаган афзал. Аллоҳ Таоло ўз муборак китобида айтадики, "Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг" (ал-Бақара сураси, 196 — оят).

Бу дегани, ҳаж ва умра амалларини тұлық бажариш лозим, дегани.

5) Баъзи ҳожилар "ат—Таъажжул" маъносини хато тушунадилар. "Ат—Таъажжул" ҳақида Аллоҳ Таоло шундай деган: "Кимки икки кунда шошилиб, зикрни тұхтатса, унга гуноҳ йүқ, ким кейинда (учинчи кунга ҳам) қолса, унга—да гуноҳ йүқдир. (Ал—Бақара сураси, 203 — оят).

Бунда улар ҳайит куни ва ундан кейинги зу—л—хижжа ойининг 11—куни назарда тутилган, деб ўйлайдилар ва мен "тажжудаман" (Қуръони каримда айтилганидек) деб, шу 11—куни кетиб қоладилар. Бу — сабаби жаҳолат бўлган хатодир, айтилган икки кун ҳайит куни (қурбонлик килинган кун)дан кейинги икки кундир. Бу зу—л—хижжа ойининг 11— ва 12—кунларидир. Кимки "таажжул" — шошаёттан бўлса, 12— куни тош отиб бўлиб, пешиндан кейин кетавериши мумкин. Бу — гуноҳ эмас. Лекин кимки кечикиб, 13—куни пешин оққандан кейин тош отса, бу — афзалроқ ва комилроқдир.

Еттинчи . Пайғамбар (с.а.в.) мас— жидини зиёрат қилиш

Пайғамбар (с.а.в.) масжидини зиёрат қилиш, шубҳасиз, событ суннатдир. Чунки пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: "Масжид — ул —

Ҳарам, менинг бу масжидим ва ал-Ақсо масжидидан бошқа масжидларни зиёрат қилишга ошиқманглар".

Пайғамбар (с.а.в.) масжидида үқилган намоз бошқа масжидларда үқилган намозлардан 1000 марта афзалроқдир (Масжид – ул – Ҳарам бундан мустасно). Бу муқаддас масжид зиёрати ва муборак сафарнинг шаръийлигига далолатдир, лекин баъзи ҳожилар бу ишда кўп хатолар қиласидилар:

1) Кўп ҳожилар муқаддас масжид зиёрати ҳаж амалларидан бири бўлиб, унга алоқаси бор ёки уни мукаммал қиласиди, деб ӯйлайдилар. Бу – очиқ – равшан хатодир, чунки Пайғамбар (с.а.в.) масжиди зиёрати учун суннат бўйича муайян вакт белгиланган эмас, ҳаж амалларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кимки ҳаж қилиб, Пайғамбар (с.а.в.) масжидини зиёрат қиласа ҳам, ҳажи тўлиқ ва тўғри бўлади.

2) Баъзилар эътиқоди бўйича, Пайғамбар (с.а.в.) масжиди зиёрати вожибdir. Бу – нотўтри эътиқод, чунки Пайғамбар (с.а.в.) масжиди зиёрати – суннат, шунинг учун инсон бутун ҳаёти давомида уни зиёрат қилмаса ҳам гуноҳи йўқ. Кимки уни яхши, солиҳ ниятда зиёрат қилса, катта савоб олади, ким зиёрат қилмаса, гуноҳи йўқ.

Баъзи ҳожилар Пайғамбар (с.а.в.) масжиди зиёрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўзига ёки унинг қабрига қилинган зиёрат, деб тушунадилар. Бу – хатодир, чунки зиёратнинг асл моҳияти Пайғамбар (с.а.в.) масжиди, унда намоз ўқиб, ибодат қилишдадир. Пайғамбар (с.а.в.) қабрини, саҳобалар ва шаҳидлар қабрларини зиёрат қилиш ҳам муборак масжид зиёратига киради. Пайғамбар (с.а.в.) учта муқаддас масжиддан бошқа масжидларни зиёрат қилишни манъ этганлар. Пайғамбарлар ва авлиёлар қабрларини унда намоз ўқиш учун

зиёрат қилиш мүмкін зымынан. Ҳаж мавсуми пайтида Пайғамбар (с.а.в.) масжидини зиёрат қилишга доир ҳадислар заифдир. Пайғамбар (с.а.в.) масжидини зиёрат қылғанда, Пайғамбар (с.а.в.) ва бошқалар қабрларини зиёрат қилиш савобдир. Бу қабрлар зиёрати пайтида, вафот эттәнларга салом беріб, Аллохдан уларға раҳмат ва мағфират сұралади.

4) Хатолардан яна бири, Пайғамбар (с.а.в.) масжида зиёрати пайтида масжида белгиланған ададда (40 марта) намоз үкиш керак, деб үйланади. Бу – хато, чунки Мұхаммад (с.а.в.) масжид зиёрати пайтида зиёратчилар үқийдиган намозлар сонини белгилаб қўймаган. Бу ҳақда гапириладиган ҳадислар нотұғри, заиф ҳадислардир. Шунинг учун, зиёратчилар зиёрат пайтида ўзлари куч құдратлари еттанча намоз үқиши мүмкін. Зиёратчилар Пайғамбар (с.а.в.) қабри зиёратида киладиган катта

хатолардан яна бири, шундаки, улар дуо ўқиёттанды овозларини баланд күтәрадилар, гүёки қабр устида ўқыладиган дуонинг афзаллиги бор. Бу — катта хато, чунки қабр устида дуо ўкиш шариатдан эмас. Ўқыладиган дуолар фақат Аллоҳга илтижо этиб, ундан истиғфор сўрашдир. Қолгани эса бидъат ва ширкка олиб борадиган йўлдир. Кимки Аллоҳга қаратада дуо этиб, ибодат қымомчи бўлса, юзини Пайғамбар (с.а.в.) қабрига қаратиб эмас, балки масжидда қиблага қараб, дуо қилади, чунки дуо қибласи муқаддас Каабадир, бунга алоҳида эътибор бериш лозим.

6) „Пайғамбар (с.а.в.) масжид—ларини зиёрат қилганда йўл қўйиладиган катта хатолардар бири — Мадинаи мунавварадаги жойлар ва масжидларга борищдир. Бу — таъқиқланган бидъатдир. Бундай жойлар ва масжидлар қаторига — ал—Ғамома масжиди, ал—Қиблатайн

масжиди. Етти масжид ва бошқалар киради. Бу ерга авом ва жоҳилларгина бу зиёрат шаръийдир, деган ҳаёлда борадилар. Бу хатоларнинг энг каттасидир, чунки Мадинаи мунаавварада Пайғамбар (с.а.в.) масжидидан (сўнгра Қубо масжидидан) бошқа жойлар зиёрати ношаръийдир. Мадинаи мунаавварадаги бошқа масжидларнинг ер юзидаги бошқа масжидлардан афзаллиги йўқ. Мусулмонлар бунга эътибор беришлари, вақтларини ва пулларини беҳуда сарфламасликлари лозим. Пайғамбар (с.а.в.) айтганларидек, "Кимки бирор ишни бизнинг амримиздан ташқари қилса, у рад этилади". Етти масжид ал-Қиблатайн масжиди, ал-Ғамома масжидини Пайғамбар (с.а.в.) ва бошқалар атайин зиёрат қилганликлари ҳақида далил — исбот йўқ. Бу янгилик бўлиб, бидъатдир.

Биз Аллох Таолодан түгри йўлга
бошлашни, биздан ризқини
аямасликни, йўлимизда доим ўзи
ҳамроҳ бўлишини сўраб қоламиз.

"Ва – л – ҳамду лилаҳи робби –
л – аламийн ва салло – л – лоҳҳу ва
саллам ала набиййина Муҳаммад ва ала
алиҳи ва саҳбих ажмаъийн".

"Бутун оламлар ҳукмдори бўлмиш
Аллоҳга ҳамду санолар, Пайғамбаримиз
Муҳаммад (с.а.в.)га, унинг умматига ва
жамики саҳобаларга салавотлар бўлсин.
Омин!"

